

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 22 июль, № 142 (6577) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## Юрт шаънини улуғлаш — олий саодат

**Пойтахтимизда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими ўтказилди.**




ЎзА сурати.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан етук, маънан соғлом, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида вояга етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни оммалаштиришга давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини, бундай ғамхўрлик юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ўз навбатида, XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган спортчиларимизга муваффақият тилади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида юртимизда жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантиришга улкан саъй-ҳаракатлар сафарбар қилинаяпти. Пировардида шаҳару қишлоқларимизда кўркам спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари, стадионлар, теннис кортлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Уларнинг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, малакали кадрлар билан таъминланмоқда. Спортга меҳр қўйган ёшларимиз сафи эса кун сайин кенгайиб бораяпти. Юртбошимизнинг ташаббуси билан 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Фарзандларимиз, ёш авлодимизни болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашни мазкур Жамғарманинг асосий вазифаси сифатида тасдиқлаб олганимиз ҳаммамизга яхши маълум.

(Давоми 2-бетда).

Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини кенг тантана қилишга катта тайёргарлик кўраётган айни кунларда ортга бир назар ташлаб, босиб ўтилган йўлимизни сарҳисоб этадиган бўлсак, эришилган натижалардан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Чунки тарихан жуда қисқа давр ичида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида иқтисодий ҳамда маънавий қудрати юксак давлат сифатида тан олиниб, жадал ривожланаётган мамлакатлар сафидан мустаҳкам жой эгаллади.

## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРИ

### кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожида рағбатлантирувчи омил бўлмоқда




Албатта, юртимизнинг шитоб билан тараққий топиб бораётганига гувоҳ бўлаётганлар бундан 25 йил муқаддам у иқтисодий жиҳатдан қолоқ давлат бўлганига ишониши қийин. Истиқлол йилларида тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос йўли — “ўзбек модели” асосида олиб борилган оқилона ислоҳотлар ана шундай улкан ўзгаришларга мустаҳкам пойдевор бўлди. Бу жараёнда, айниқса, бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилиб, миллий қонунчилигимизда унинг устуворлиги таъминлангани муҳим аҳамият касб этди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мустақил ривожланишнинг бутун даври мобайнида иқтисодиётимиз келажагини таъминлайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит, имтиёз ва преференциялар яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш энг муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Ана шу ҳаётий тамойиллар асосида олиб борилган кенг кўламли ишлар туфайли халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган тадбиркорлик фазилати нафақат қайта тикланди, балки янгича маъно-мазмун билан бойиб, республикамиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилаётган асосий кучга айланди.

Чиндан ҳам, ички бозорни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим роль ўйнамоқда. Соҳа вакилларига қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар, хусусан, солиқ имтиёзлари берилаётгани муваффақиятларни янада мустаҳкамлаётир.

Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири, шубҳасиз, бу — солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишига чек қўйиш бўйича чоралар мажмуини амалга ошириш ҳисобланади. Шу маънода, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишида солиқ юки босқичма-босқич пасайтирилаётгани муҳим омил бўлаётир. Мисол учун, ҳозирги пайтда кўплаб мамлакатларда корхона ҳамда муассасалар фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси ўртача 12,5 — 39,5 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 1995 — 2016 йиллар мобайнида 38 фоиздан 7,5 фоизга туширилганлиги эътиборга молик жиҳатдир.

Солиқ ставкасининг бундай сезиларли даражада пасайтирилиши хўжалик субъектлари учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, айланма маблағларни кўпайтириш, маҳсулот тайёрлаш ва хизматлар экспортини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишда молиявий мадад бўлмоқда. Бундан ташқари, у солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўлашдан бош тортиш ҳамда даромадларни яшириш даражасини камайтириш, йиғилаётган солиқларнинг тўлиқлигини таъминлаш имконини бераяпти.

(Давоми 3-бетда).

СУРУР

## *Ватан қадри*

Бир вақтлар гуваладан қурилган пасқам уйларда яшардик. Похол билан қопланган, шолча тўшалган ерда бола-чақамиз билан қишни қалтираб ўтказганмиз. Лойсувоқ томдан чакка ўтавериши асабимизга игнадек санчиларди. Захдан оғриган оёқларимиз азоб берарди. Ўша даврнинг бу каби асоратларини унутиб бўларканми?!

Мана, энди қишлоқларимиз манзарасига боқинг. Намунавий тураржойларни кўриб, кўнгил равшан тортади. Хоналари кенг ва шинам, пойдевори мустаҳкам, етти авлодга етади. Шулардан бири — оиламизники! Роҳат қилиб яшаяпмиз. Орзуларимиз ушалмоқда. Мустақиллик, Ватан қадрини мана шундай фаровон кунларда янада теранроқ англаб етаркансан, киши.

**Сайфулла ЖАЛИЛОВ.**
Қизилтепа тумани

## *Бахтимиз мазмуни*

Собиқ тузум даврини эсласам, ҳалиҳануз юрагимда оғриқ туради. Туганмас таъналу дашномлар, маломату уқубатлар, қарамлик азоби... Буларнинг барчаси халқимиз руҳини чўктирди, қаддини букиб қўйди. Эртанги кунга ишончимизни йўқотдик.

Бугун-чи? Ҳаётимиз тамомила бошқача. Турмушимизга файз, рўзғоримизга барака кирди. Ҳар бир соҳада илгарилаб бораяпмиз. Яқинда телевизорда кўрсатишди: енгил саноат корхоналаримизда калава ипдан тортиб, кийим-кечаккача ишлаб чиқарилаётган экан. Қувончимдан яйраб кетдим. Ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, инсон азиз ва мукаррамлигининг исботи бу! Муҳими, давлатимиз, халқимиз эзгу ишларда мададкор. Бахту саодатимиз шу эмасми?!

**Омадхон ҲАМИДОВА,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.**
Андижон тумани

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## ДЕПУТАТЛАР ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар олдиндан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама этилган эди.

Парламент аъзолари ўз ишларини янги таҳрирдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар.

Қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш жараёнида депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳозирги даврга қадар қонунчилик даражасида тўлиқ равишда тартибга солинмаган ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ҳамда ундан фойдаланишни ташкил этиш механизмларини қонун билан белгилаш заруратига боғлиқ эканлигини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

ИФТИХОР

Айни чоғда жаҳон аҳли интиқиб кутаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига саноқли кунлар қолди. Дунёнинг кўзга кўринган атлетлари орасида мамлакатимизнинг энг сара спортчилари профессионал маҳоратини синовдан ўтказади. Шубҳасиз, Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳар бир давлат вакили учун чинакам фахр ҳисобланади.

## Куч ва қатъиятда ҳеч кимдан кам эмас

Мустақиллик йилларида ана шундай шарафга эга бўлаётган спортчиларимиз сони йил сайин ортиб бораётгани ғоятда қувонарли, албатта. Эндиликда улар нафақат тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасида қатнашиш, балки дунё миқёсида ўрни ва мавқеи юксалаётган диёримизга салмоқли натижалар билан қайтишга интилмоқдалар. Бу, аввало, ёшларимизнинг она-Ватанга чексиз муҳаббати ҳамда ўзларига бўлган мустаҳкам ишончидан, салоҳият, куч ва қатъият бобида ҳеч кимдан кам эмаслигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг илк йилларидан ўсиб келаётган авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, оилаларда ҳамда жамиятда соғлом турмушни қарор топтиришга устувор эътибор қаратилиб, шу мақсадда рўёбга чиқарилаётган комплекс чора-тадбирлар саломатлик омили — спортнинг тобора оммалашувини таъминламоқда. Болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб муҳофаза этишга қодир авлоднинг шаклланишига замин яратди. Ўтган қисқа даврда шаҳару қишлоқларимизда барча қулайликка эга 51 мингдан ортиқ спорт иншоотлари бунёд қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Ёшлар билан учрашувлар

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида Президентимиз қарорига мувофиқ, энг улуғ, энг азиз айём — юртимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида юқори савияда ўтказилаётган тадбирлар одамлар билан дилдан суҳбатлашиш, дориламон кунлар қадрини чуқур англаб етиш, ҳар бир инсон қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда айни муддао бўлаётир.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида “Мустақиллик ҳуқуқ ва эркинлигимиз, фаровон ҳаётимиз кафолати” мавзуида Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятларида ташкил қилинган учрашувларда истиқлол имкониятлари, обод юрт манзаралари, ёш авлод вакилларига яратилган шарт-шароитлар мазмун-моҳияти хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Маълумки, бугун мамлакатимизда ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, уларнинг билим олиши, замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилаяпти, давр талабига жавоб берадиган таълим муассасалари ва спорт иншоотлари бунёд этилиб, фарзандларимиз камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида йигит-қизларимиз халқаро фан олимпиадалари, мусиқа ҳамда санъат фестиваллари, спорт мусобақаларида улкан натижаларни қўлга киритаётгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

# ДЕПУТАТЛАР ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таъсирчанлигини оширишга ва қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилишга қаратилганлиги қайд этиб ўтилди. Қонун лойиҳаси биологик хилмахилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонлар генофонди комплекс равишда муҳофаза қилинишини таъминлашни назарда тутади. Қонун лойиҳасида давлат органларининг ваколатлари аниқ кўрсатиб қўйилмоқда ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш юзасидан уларнинг вазифалари белгилаб берилмоқда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар иштирок этишига тааллуқли нормаларни мустаҳкамлаб қўйишга алоҳида эътибор қаратилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида давлат бошқарувининг, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида унинг амалий муҳокама қилинишини ташкил этишга катта эътибор қаратилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида етакчи мутахассислар, олимлар, тегишли соҳалар амалиётчилари, фуқаролик институтлари вакилларидан иборат Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида ташкил этилган эксперт гуруҳлари аъзолари фаол қатнашдилар. Бу эса қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди. Оммавий ахборот воситаларида қонун лойиҳасининг муҳокамаси ташкил қилинди, муҳокама натижасида унинг моҳияти ҳамда аҳамияти кенг жамоатчилик эътиборига етказилди.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси парламент қуйи палатасининг Демократик кучлар блоки ва мухолифатдаги фракциялари йиғилишларида ҳам бўлиб ўтди, йиғилишлар якунларига кўра, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан уларнинг нуқтаи назари шакллантирилди.

— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида биз нормаларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган қоидаларни имкон қадар батафсил баён этиш, ҳаволаки нормаларни камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик, — **дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Ж. Атоджонов.** — "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири унинг нормаларини янгидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган. Қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш турлари ҳамда усулларини аниқлаштириш, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар бериш чоғида рухсат этиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини мукаммаллаштириш, ушбу соҳада мониторинг ва назоратни ўтказиш назарда тутилган.

Муҳокама давомида депутатлар кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асосга айланишини таъкидлаб ўтдилар.

Кўриб чиқиш якунларига кўра, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилди.

Сўнгра депутатлар бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Лойиҳа айрим қонунчилик ҳужжатларини "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун нормаларига мувофиқлаштиришга қаратилган бўлиб, парламент назоратининг айрим шаклларини амалга ошириш нормалари ҳамда тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришни назарда тутади.

Мунозаралар якунларига кўра, депутатлар ушбу қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар. Келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмитага топширилди.

Депутатлар мажлисда кун тартибидаги бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# Ёшлар билан учрашувлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида ҳам эртанги кунимизнинг таянчи ҳамда суянчи бўлмиш ёш авлоднинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ҳамда келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилгани аҳамиятлидир.

Депутатларнинг водий вилоятлари ёшлари билан мулоқотлари чоғида мазкур қарорнинг аҳамияти, ўтган 25 йил давомида юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва улар эришаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Эътироф этилганидек, навқирон авлод эришаётган оламшумул муваффақиятларда, энг аввало, улар учун яратилаётган кенг имконият ҳамда шарт-шароит, қолаверса, халқимизнинг юксак илмий-интеллектуал салоҳияти, маънавий жасорати ва тафаккури мужассам. Айниқса, истиқлол ёшларимизга аждодларга муносиб авлод бўлиб вояга етиш масъулиятини англатгани ҳамда дунёдаги тенгқурлари билан бўйлашишга, иқтидорини тўла намоён қилишга имкон бергани учун ҳам қадрли экани, бу фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли этиб тарбиялаш борасидаги мақсад-муддаомизнинг рўёбига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувларда навқирон авлод вакиллари мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга бефарқ эмасликларини қатъият билан ифодалашди. Шунингдек, Президентимизнинг 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбатда ёшларга қарата айтган сўзлари уларни янада руҳлантиргани, ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлаганини алоҳида айтиб ўтишди.

Депутатлар баркамол авлодни тарбиялашда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, истиқлол йилларида юртимиз бўйлаб 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ҳамда ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани "Ким эдигу ким бўлдик?!" деган ҳаётий ҳақиқатнинг амалий ифодаси экани эътироф этилди.

Умуман айтганда, жойларда ёшлар билан ўтказилган учрашув ва мулоқотлар йигит-қизларимизни мустақиллигимизнинг чорак асрлик тўйини муносиб кутиб олишга, "Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим?!"деган юксак масъулият билан яшашга ундамоқда.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ИЗЛАНИШ**

Учқўрғон туманининг Янгиобод қишлоғида локбўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Осиё селена" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.

# Ташқи таъсирларга чидамли

Ҳозир бу ерда қиймати 350 миллион сўмга тенг бизнес лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилиб, сувли бўёқ ҳамда безакли сувоқ ашёларини тайёрлашга киришилди. Технологик жараёнлар Япониядан келтирилган ускуналар ёрдамида бажарилиб, улар энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Хусусан, электрлаштирилган қурилмани ҳаракатга келтириш учун, бор-йўғи, битта лампочкага талаб этиладиган қувват кифоя қилади. Маҳсулот сифати ҳам ўзига хос жиҳатлари билан турдошларидан фарқланади. Жумладан, улар ўткир ҳидсиз, фойдаланишда сарфи анча кам ва ташқи таъсирларга чидамли, яъни узоқ вақтгача жилосини йўқотмайди.

— Йилига 900 тонна маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган қувватларни ўзлаштириш давом этаяпти, — дейди МЧЖ раҳбари Қаҳрамон Раимжонов. — Шу кунгача 20 тонна миқдоридаги дастлабки қурилиш-пардозлаш материалларини ички бозорга чиқардик. Лойиҳанинг кейинги босқичида технологик жиҳозларни тўлиқ компьютерлаштириш кўзда тутилган. У ниҳоясига етиши билан самарадорлик янада ортиб, жамоамиз аъзолари сони 20 нафарга кўпаяди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Юрт шаънини улуғлаш — олий саодат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фарзандларимизни болаликдан — асосан, мактаб ёшидан бошлаб спортни ўзининг ҳаётдаги доимий ҳамроҳи деб билиши, улар умрбод спорт билан дўст бўлиб қолишини, бунинг учун барча шароит ва имкониятларни барпо этишни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эдик".

Навқирон авлод вакиллари орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаб, халқаро беллашувларга тайёрлашда эса уч босқичли узлуксиз тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда Универсиада спорт ўйинларининг ҳам аҳамияти беқиёс. Мазкур мусобақалар, том маънода, "Кичик Олимпиада" мақомини олди.



Бахтиёр АКРАМОВ («Халқ сўзи») олган сурат.

Шуларга мос равишда мустақилликнинг илк йилларидаёқ, яъни 1992 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт турларини ривожлантириш, истеъдодларни аниқлаш, уларни тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида муносиб қатнашишини таъминлашга яқиндан кўмаклашаяпти.

Бинобарин, истиқлол йилларида, тарихан қисқа даврда юртимиз спортчилари беш бор ёзги ва олти маротаба қишки Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, 6 та олтин, 5 та кумуш, 10 та бронза медалга сазовор бўлди.

— Яна саноқли кунлардан сўнг навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари бошланади, — дейди бокс бўйича терма жамоамиз аъзоси, делегациямиз байроқдори Баҳодир Жалолов. — Унга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш учун биз, спортчиларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Қатор ўқув-машғулот йиғинлари ўтказилди, турли халқаро мусобақаларда қатнашдик, тажриба тўпладик. Баҳсларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шиорни юрагимизга жо қилиб, иштирок этамиз. Бу бизга қўшимча куч ҳамда шижоат бағишлайди.

Таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Мазкур жамғарма маблағлари спорт федерациялари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилаяпти. Спортчи ва мураббийларни доимий рағбатлантириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилгани, спортчиларимизни тиббий-биологик хизмат ҳамда спорт психологияси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилгани ҳам диққатга сазовор.

Юртбошимизнинг шу йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ҳамда иштироки тўғрисидаги қарори вакилларимизнинг ушбу мусобақаларда муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур спорт беллашувларида 100 га яқин спортчимиз академик эшкак эшиш, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ҳамда юнон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб боради. Бу аввалги Олимпия ва Паралимпия ўйинларидаги қатнашчилар сонидан сезиларли даражада кўп.

Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Сирожиддин Саййид Ўзбекистон спорт делегациясига бўлажак мусобақаларда омад ёр бўлишини тилаб, янги шеърини ўқиб берди.

Санъаткорлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари Мустақиллик майдонида бўлиб, порлоқ истиқболимиз ҳамда пок ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

— Биласизми, мана шу муаззам майдонга қадам қўйганимизда, ажиб бир ҳаяжонни ҳис қиламиз, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Нигора Турсунқулова. — Бу табаррук гўшанинг гўзаллиги, файзу таровати бошқача. Бугунги тадбир ҳам шунчаки расмий маросим эмас, балки барчамизни янги марралар сари руҳлантирувчи, қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини бағишловчи анъанадир. Биз, спортчилар, албатта, ўзимизга билдирилган ишончни оқлаб, истиқлолимизнинг 25 йиллигига муносиб тухфа ҳозирлаймиз.

Спорт делегацияси аъзолари, шунингдек, пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбони ҳамда Алишер Навоий номидаги Миллий боғни ҳам зиёрат қилиб, Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гул қўйдилар.

Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов иштирок этди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Йўлдаги аччиқ қисмат

Абдумалик ва Ҳалимахон биринчи фарзандига туғилмасданоқ исм танлаб қўйганди. Уларнинг келишувига кўра, чақалоқ ўғил бўлса, Сардорбек, қиз туғилса, Барчиной деб аталиши лозим эди. Афсуски, ота-онанинг нияти амалга ошмади. Боланинг оти Ёдгорбек бўлди.

**КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?!**

Бунга эса ўша, ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларидаги ночор тиббий хизмат ва ортиқча расмиятчилик сабаб бўлганини биз, ёши бир жойга борган кишилар жуда яхши биламиз.

Келинг, шуни батафсил сўзлаб берай. Шаҳарда яшайдиган Абдумалик турмуш ўртоғи билан қишлоққа ота-онасиникига, меҳнат таътилини ўтказишга келади. Рафиқасининг кўзи ёриш муддати яқинлашгани боис, унинг катталар назоратида бўлишини истайди. Энди унинг ота-онасиникида туғуруққа тайёргарлик нимадан бошланганини айтсам, ҳозирги авлоднинг ажабланиши тайин.

— Тезда 20-30 литр бензин топиб қўйиш керак, — дейди туғилажак боланинг бобоси. — Мен Шодиқулникига чиқай, машинаси созми, носозми, билиб келаман.

Шодиқул degани қишлоқдаги машинаси бор саноқли кишилардан бири. Кимдир шошилинч бирор жойга бориши ёки касал бўлиб қолса, уларнинг корига шу киши ярарди. Лекин бунинг учун, албатта, ёнилғи сақлаб қўйиш керак бўларди. Шундай қилиб, Ҳалимахонда "дард тутиш" аломати пайдо бўлган куни Шодиқулга тезда хабар берилади. Шаҳар туғуруқхонасида уларни катта муаммо кутиб турганди. Шифохона эшигини очган ҳамшира ўша вақтдаги ўзаро умумий мулоқот тилида "Бу аёл бизнинг ҳудудимизда яшамайди, шу боис қабул қила олмаймиз", деб ортга қайтариб юборади. Шодиқул машинасини қарама-қарши томондаги туман марказий шифохонаси томон елдиради. У ерда эса "Туғуруқхона ишламаяпти", деган жавобни эшитади. Ноилож, бошқа, бундан-да узоқ жойга бораётганда эса, машина ичидан чақалоқнинг йиғиси эшитилади. Аммо Ҳалимахоннинг аҳволи оғирлашиб қолган, шу боис бу "инга-инга" овозидан қувонадиган пайт эмас эди. Охир-оқибат, кўп қон йўқотган келин йўлдаёқ жон таслим қилади. Боланинг исми Ёдгорбек бўлишининг сабаби шунда.

Набираларим "Бобо! Нега авваллари Турсунбой, Ўлмасбой, Турғун, Умрзоқ деган исмлар кўп қўйилган?" деб сўраб қолганда, мана шу маҳзун ҳикояни гапириб бераман.

Ҳозир Ҳалимахоннинг фарзанди ва набиралари бугунги дориламон замон имкониятларидан тўлиқ баҳраманд бўлишмоқда. Айтгандек, улар орасида Сардорбек ва Барчиной исмлилари ҳам бор. Уларнинг иккиси ҳам келгусида шифокор бўлишни орзу қилишган. Улар таълим олаётган мактаб ва лицейдаги болаларнинг исмлари эса бири-биридан чиройли: Озодбек, Жавоҳир, Азиза, Бахтиёр, Севинч... Қарангки, таққосланса, инсон исмидан ҳам замон нафаси келиб турар экан.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,**
**меҳнат фахрийси.**
Сирдарё вилояти

# «Янги турмуш»нинг кўркам уйлари

Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Садр маҳалласида жойлашган янги кўчага яхши ният билан "Янги турмуш" дея ном берилди.

**БУНЁДКОРЛИК**

Бу ерда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган йигирмадан зиёд кўркам тураржойлардан бирига ёш шифокор Қовмиддин Турдиевнинг оиласи кўчиб ўтди.

— Беш хонадан иборат уйимиз шинам, яшаш учун қулай, — дейди хонадон соҳиби. — Пишиқ ғиштдан қурилгани учун қишда иссиқ, ёзда салқин. Мактаб, спорт иншоотлари, сервис шохобчалари ёнгинамизда жойлашган. Икки нафар фарзандимиз бор. Улар ҳам янги уйдаги қулайликлардан хурсанд.

Вилоятда ўтган етти йил давомида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган бундай уйларнинг 4277 таси фойдаланишга топширилди. Айни дамда яна 25 та аҳоли пунктида 992 та оилага мўлжалланган тураржойлар барпо этилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Куч ва қатъиятда ҳеч кимдан кам эмас

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борада узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳозирги пайтда республикамизда 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб олтмиш фоизи спорт секцияларига қатнамоқда. Муҳими, бугун жаҳон шоҳсупаларини забт этаётган ўғил-қизларимизнинг сафи кенгайиб бораётир ҳамда уларнинг ютуқлари ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини бағишлаяпти.

Ваҳолонки, атиги чорак аср олдин юртимизнинг олис, чекка ҳудудларида ҳам замонавий спорт иншоотларининг барпо қилинишини, ўзбек ёшлари жаҳон чемпионатларида бемисл зафар қучиши у ёқда турсин, бундай нуфузли мусобақаларда иштирок этишини тасаввуримизга ҳам сиғдира олмаганмиз. Сир эмас, мустабид тузум даврида спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ҳақида умуман сўз юритилмас, мактаблардаги жисмоний тарбия дарслари ҳам номига ўтилар, бу борада қишлоқларда аҳвол янада ачинарли эди. Ер юзининг қайсидир манзилида ўтаётган халқаро мусобақани телеэкран орқали кузата туриб, "Бизнинг фарзандларимиз ҳам шунақа беллашувларда қатнашармикан?" дея ўкинган одамларни кўп кўрганмиз.

Навқирон авлодни жисмоний, руҳий ҳамда маънавий етук қилиб тарбиялаш масаласи эътибордан четда қолиб келгани сабаби, мана, энди ҳаммамизга равшан. Ахир кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни вақт ўтгани сайин теран англаб етмоқдамиз, эртага янада юқори марраларни эгаллаш нечоғли муҳим эканини тобора чуқур ҳис этаяпмиз.

Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қиладиган спорт байрами яқинлашгани сари кўнглимиздан кечаётган бу ўйлар ҳаяжон билан қоришиб кетмоқда. Кимдир оғир атлетикачиларимиз, яна кимдир эса таэквондо бўйича меҳрини қозонган спортчиларимиз номини тилга олиб, вакилларимиз, сўзсиз, зафар қучишига умид билдираяпти. Шу ўринда Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритган вакилларимиз орасида боксчиларимизга ҳам алоҳида ишонч билан қаралаётганини таъкидлашни истардик. Ўтган йилларда мамлакатимизда барча спорт тури қаторида боксни ривожлантириш, профессионал чарм қўлқоп усталарини тайёрлаш тизими изчил такомиллашди. Бунга исбот тариқасида 2014/2015 йилларда юртимизнинг барча ёш ва вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари турли даражадаги 269 та медалга сазовор бўлганини мисол сифатида келтириш мумкин. Қолаверса, ўтган йили пойтахтимизда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида юртимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистоннинг спорт соҳасида, жумладан, боксда эришаётган муваффақиятлари Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) томонидан юксак эътироф этилмоқда. Ушбу уюшма раҳбари Чинг-Куо Ву яқинда Оқсарой қароргоҳида давлатимиз раҳбари қабулида бўлиб, спорт ҳамда олимпия ҳаракатини оммалаштириш йўлидаги улкан хизматлари учун, шунингдек, боксни халқаро ва миллий даражада ривожлантириш борасидаги фидокорона меҳнати эътирофи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентига AIBAнинг юксак мукофоти — "Хизматлари учун" орденини топширгани янада эътиборлидир.

Дарвоқе, 200 дан ортиқ давлат вакиллари қатнашиши кутилаётган Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон байроғи остида майдонга кириб келадиган спортчиларимизнинг ҳар бири куч, маҳорату ирода бобида тобланган. Улар орасида мустақиллик йилларида туғилган ҳамда камолга етган йигит-қизларнинг сафи кенг. Бу ёш спортчиларимиз тимсолида "Фарзандлари соғлом юрт қудратли, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур", деган ҳақиқатнинг ҳаётбахшлигига яна бир карра амин бўламиз.

**Рустамали МАЖИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси,**
**Бешариқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори.**

Тараққиётнинг "ўзбек модели". Бу — биз танлаган йўл. Юксалишнинг ойдин йўли. Президентимиз томонидан белгилаб берилган машҳур беш тамойил унинг пойдеворини ташкил этади. Кейинги чорак аср давомида юртимизда эришилган муваффақиятлар, қўлга киритилган марралар ривожланиш стратегиямиз нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини тўла-тўкис исботлади. Шу туфайли жаҳонга танилдик, дунёда ўз ўрнимизга эга бўлдик. Муҳими, ҳар бир соҳада илгарилаб бораяпмиз, ютуқларимиз салмоғи ортмоқда. Чунончи, истиқлол йилларида иқтисодиётимиз қарийб беш баробар ўсиб, аҳоли реал даромадлари тўққиз баробардан зиёд ошгани барчамизни қувонтиради.

Ўзбекистон банк тизимидаги ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳияти авваламбор инсон манфаатлари устуворлигига қаратилган. Аҳолининг молия муассасаларига ишончи тобора ортиб бораётганининг сабаби ҳам шунда. Ўз навбатида, соҳадаги муваффақиятлар халқаро миқёсда ҳам эътирофини топаяпти. Хусусан, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки фаолияти бир неча йилдирки, халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Барқарор" даражасида баҳолаб келинмоқда. Яқинда "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги мазкур молия муассасасининг амалий ишларини "Барқарор", деб яна бир карра тасдиқлаб берди.

# ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ

## Фаровонлик учун сармоя

"Агробанк" саноат, қишлоқ хўжалиги, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин топишларига шароит яратиш, янги меҳнат ўринлари ташкил қилишда ўз хизмат ҳамда сармоялари билан фаол қатнашиб келаяпти. Масалан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, муассасанинг умумий капитали 531 миллиард сўмга, устав жамғармаси эса 368 миллиард сўмга етди. Йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётнинг турли тармоқларига жами 2 триллион 657 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шундан 997 миллиард сўмлиги банк кредитларидир. Бинобарин, турли бизнес лойиҳаларнинг молиялаштирилиши натижасида жойларда 15,6 мингта иш ўринлари вужудга келиб, шунча оиланинг даромадига даромад қўшилди. Ажратилган инвестициявий кредитлар миқдори 416 миллиард сўмга тенг бўлиб, бу белгиланган параметрлардан бирмунча зиёддир. Ушбу сармоялар саноат, аграр сектор, қурилиш, транспорт, моддий-техника таъминоти ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Маълумки, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга доир кўплаб устувор вазифаларни ўзида мужассамлаштирган. Уларнинг ижроси изчил таъминланишида эса сармояларнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. "Агробанк" жамоаси ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг биринчи ярмида саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишларида 231 миллиард сўмлик 2620 та лойиҳани молиялаштирди. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликлари 178,6 миллиард сўм миқдоридаги кредитлар билан таъминланди. Қувонарлиси, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 34 миллиард сўм, бошқача айтганда, 23 фоиз кўпдир.

## Эл дастурхони файзи

Дастурхонимиз файзи замин неъматларидан олинадиган юқори ҳосил, деҳқону соҳибкорлар, фермеру тадбиркорларимиз саъй-ҳаракати билан етиштириладиган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллигига чамбарчас боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда юртимизда ана шу соҳаларда меҳнат қилаётган тадбиркорлик субъектлари, изланувчан ва фидойи инсонлар меҳнати рағбатлантирилиб, уларнинг бизнес лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Жорий йилнинг январь — июнь ойларида "Агробанк" мазкур мақсадлар рўёбида 42,3 миллиард сўмлик кредитлари билан иштирок этгани сўзимиз тасдиғидир. Шундан 16,8 миллиард сўми чорвачилик, 1,9 миллиард сўми паррандачилик, 1,1 миллиард сўми балиқчилик ҳамда асаларичиликни ривожлантириш, 856 миллион сўми интенсив боғлар ва токзорлар барпо қилиш, 8,2 миллиард сўми иссиқхоналар ташкил этишга йўналтирилди. Ўз навбатида, ноз-неъматларни қайта ишлаш, озиқ-овқат товарлари тайёрлаш ҳамда уларни сархил сақлаш учун 9,9 миллиард сўм, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 4,2 миллиард сўм, совиткичли омборхоналар қуришга 804 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги бизнес-режалар 4,9 миллиард сўмлик сармоялар билан қўллаб-қувватланди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида замин неъматларини етиштириш ҳамда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга қаратилган бизнес-режалар 4,9 миллиард сўмлик кредитлар ҳисобидан молиялаштирилди.

## Кичик бизнесга катта кўмак

Кичик бизнес — иқтисодиётимизнинг таянч устуни. Давлатимиз томонидан унинг равнақига алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси шунда. Зеро, бугун бозорларимиз файзу баракасини таъминлаётган турфа хилдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар — айни шу соҳа вакиллари меҳнати, изланишу ташаббуслари маҳсули. Қолаверса, тадбиркорларимиз саъй-ҳаракатлари билан экспорт салоҳиятимиз йил сайин юксалиб бораётгани ҳам кўнгилларда ғурур уйғотади. Бунинг учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳитини Ўзбекистон банк тизимининг самарали фаолияти, молия муассасаларининг замонавий хизматларисиз тасаввур қилиш мушкул.

"Агробанк" жамоаси ҳам юртимизда хусусий секторни ривожлантириш учун ҳисса қўшишга маҳкам бел боғлаган. Унинг сармояларидан фойдаланиб, хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ хизмат кўрсатиш йўналишида бўлсин, улкан муваффақиятларга эришаётган ишбилармонларимиз сафи жуда кенг. Масалан, мазкур молиявий муассаса жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларига 658 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратди. Шундан 190,7 миллиард сўмлиги микрокредитлардир. Эътиборлиси, бу борада 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 132 фоиз ўсишга эришилди. Бинобарин, кичик бизнес субъектларининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган 191,2 миллиард сўмлик, ноозиқ-овқат товарлари тайёрлашга доир 138,6 миллиард сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни кўзда тутувчи 41,5 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланди.



Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш устувор вазифага айлангани ҳеч биримизга сир эмас. Бу ислоҳотларда "Агробанк" жамоаси ҳам ўз молиявий хизматлари билан қатнашиб келаяпти. Айтайлик, жорий йилнинг январь — июнь ойларида ишбилармон опа-сингилларимиз молия муассасасининг 70,4 миллиард сўмлик кредитларидан баҳраманд бўлди. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни кенгайтиришга 12,6 миллиард сўм миқдорида инвестициялар ажратилди. Бу ўтган йилнинг биринчи ярмидагига қиёслаганда, 34 фоиз юқори кўрсаткичдир.

Қолаверса, кейинги олти ой мобайнида юртдошларимиз "Агробанк"нинг 31,3 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари билан таъминланди. Шундан 22,4 миллиард сўмлик қисми маиший техника ва уй-рўзғор буюмлари хариди учун ҳамда 8,9 миллиард сўми таълим олиш мақсадларига йўналтирилди.

Янги иш бошлаётган тадбиркор учун молиявий кўмакнинг аҳамияти катта. "Агробанк" жамоаси ана шундай юртдошларимизга нафақат кредит маблағлари, балки зарур маслаҳат ва амалий тавсиялар бериш пайидан бўлмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини битириб, ўз бизнесини йўлга қўяётган ёшлар бундай имкониятлардан кенг фойдаланаётир. Пировардида уларга ажратилаётган маблағлар юқори сифатли, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда қўл келаяпти. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги "Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир. Ҳозирги кунда ушбу ҳужжат ижроси доирасида банк томонидан муайян ишлар амалга оширилаяпти. Шаҳару туманларда коллеж битирувчилари учун давра суҳбатлари, семинар машғулотлари ўтказилаётгани, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшларга имтиёзли кредитлар берилаётгани эътиборга лойиқ. Чунончи, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, ана шундай йигит-қизлар банкнинг 21,5 миллиард сўмлик сармояларига эга бўлди.

## Барқарор фаолият мезони

Тезкор, қулай ҳамда кафолатли хизмат — банклар фаолиятидаги энг устувор мезондир. Қолаверса, мижозлар эътиборини қозониш ва уларнинг ишончига сазовор бўлишнинг асосий талаби ҳам — шу! Буни инобатга олган "Агробанк" жамоаси ишбилармон ҳамда тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаб, истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига замонавий банк хизматларини таклиф этишни фаолият мезонига айлантирган.

Айни пайтда "Агробанк" ўз таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириб, мамлакатимиз молия бозоридаги иштирокини тобора кенгайтирмоқда. Муассасанинг 940 та инфратузилма объекти, жумладан, 177 та филиали, 168 та минибанки, 248 та махсус кассаси, 187 та халқаро пул ўтказмалари, 47 валюта айирбошлаш ва 40 та конверсион шохобчаси республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олган. Улар орқали кўрсатилаётган хизмат турлари йил сайин такомиллаштириб борилаётир. Жумладан, айни кунга келиб, молия муассасасининг "Интернет-банкинг" тизимига уланган мижозлар сони 13,8 минг нафарга етди. "Мобиль-банкинг" хизматидан фойдаланаётганлар сони эса 548 минг нафардан ортди.

Ҳозир "электрон ҳамён" дея аталадиган пластик карточкалар ҳаётимиздан тобора кенг ўрин олмоқда. Натижада нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими нафақат савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари, балки ундан фойдаланувчи юртдошларимиз учун ҳам қулай тўлов воситасига айланиб улгурди. Бу йўналишдаги ишлар қамровини янада кенгайтиришда Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир. Унга мувофиқ, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб тизимини кенгайтиришга эришилаяпти. Умуман, шу йилнинг 1 июлигача банк томонидан ўрнатилган терминаллар сони 30474 тага, тарқатилган пластик карточкалар миқдори эса 3 миллион 478 мингтага етказилгани сўзимиз тасдиғидир. Ўз навбатида, интерактив хизматларни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Мисол учун, "электрон ҳамён" маблағларидан мобиль телефон ва интернет воситасида тўловларни амалга ошириш имконияти яратилиб, ундан фойдаланувчилар сони 548 минг нафардан ортди. Бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 186 мингта кўпдир. "Мобиль савдо" хизмат турига жалб қилинган савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари сони эса 5146 тани ташкил этди. Ушбу қулайликни йил охиригача 15 мингта нуқтада йўлга қўйиш режалаштирилган.

Яна бир янгилик: шу йилдан бошлаб мижозларга мобиль телефон орқали маблағларни бир пластик картадан бошқа пластик картага ўтказиш бўйича банк хизмати жорий қилинди.

Айни пайтда "Агробанк" ўз капитали, активлари ва ресурслар базасининг барқарорлигини таъминлаш, мижозлар билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларга яқиндан кўмаклашиш каби устувор вазифаларни фаолият мезонига айлантирган. Бу эса мижозларга қўшимча қулайликлар туғдирмоқда. Натижада молия муассасаси кўмагида бизнесини йўлга қўйиб, ҳам оиласи, ҳам юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бораяпти. Буни уларнинг қуйидаги дил сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу эса унинг мамлакат молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган долзарб вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.**

## МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

**Адҳам АБДУРАСУЛОВ, Бекобод туманидаги "Шерматов Шермуҳаммад агро" деҳқон хўжалиги раҳбари (Тошкент вилояти):**

— Ўзбекистон тарихан қисқа даврда иқтисодий салоҳияти юксак мамлакатга айланди. Бу давлатимиз томонидан хусусий сектор фаолияти ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Мазкур жараёнда тижорат банклари ҳам алоҳида фаоллик кўрсатаётганини таъкидлашни истардим. Негаки, улар ажратаётган кредит маблағлари соҳа равнақига хизмат қилаётир.

Ўз фаолиятим мисолида айтай. Паррандачилик йўналишида бизнесни йўлга қўйиш учун "Агробанк"нинг Бекобод филиалига мурожаат этгандим. Лойиҳам муассаса мутасаддиларига маъқул тушди. Тез орада 300 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ҳозир аҳоли дастурхонига кунига қарийб 8 минг дона тухум етказиб бераяпмиз. Жамоамизда меҳнат қилаётган 10 нафар ишчи-мутахассиснинг ҳам моддий манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Галдаги режаларимиз улкан. Шу йил охиригача фаолиятимизни янада кенгайтириб, паррандаларимиз сонини оширмоқчимиз.

**Жамила ЭГЛИКОВА, Касби туманилик оилавий тадбиркор (Қашқадарё вилояти):**

— Интилганга толе ёр, деб бежиз айтмайди халқимиз. Қаранг, юртимизда жамики эзгуликлар, барча-барчаси — инсон, унинг манфаатлари учун! Бизнесни йўлга қўймоқчимисиз, марҳамат, сармоя тайин. Давлатимиз кўмакка шай. Ҳатто уйингиздан узоқлашмай, даромад топиш мумкин. Оилавий бизнес — бунинг манбаи.

Ўзимдан қиёс. "Агробанк"нинг Касби филиалига мурожаат этиб, янглишмаган эканман. Молия муассасаси мутасаддилари тўғри йўл-йўриқ кўрсатишди. Банкдан 15 миллион сўм миқдорида кредит олиб, оилавий тадбиркорликка киришдим. Кўп ўтмай, ҳаракатларим самара берди. Ҳозир хонадонимиз аъзолари ёнимда. Барчамиз ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, даромад топаяпмиз. Насиб этса, келгусида фаолиятимизни янада ривожлантирамиз. Бунда ҳам яқин молиявий ҳамкоримиз — "Агробанк" сармояларига таянишни мақсад қилганмиз.

**Отабек БОБОЕВ, "Бухоро гилам" масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Бухоро вилояти):**

— Гиламдўзлик — қадимий касб. Уни саноат усулида йўлга қўйиш эса давр талабидир. Бу соҳада энг илғор, шу билан бирга, ихчам ҳамда тежамкор ускуналардан фойдаланишни афзал, деб билдик. Уларни сотиб олишимизда "Агробанк"нинг Бухоро вилояти ҳудудий филиали яқиндан кўмаклашди. Ажратилган 390 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобига керакли ускуна ва хом ашёларни харид қилдик. Технологияларни бошқариш учун маҳаллий ёшлардан беш нафари ишга олинди. Ҳозир 15 турда тайёрлаётган бежирим, сифатли гиламларимизнинг харидори кўп. Буюртмаларнинг кети узилмайди. Келгусида мавжуд иш ўринларини кўпайтирмоқчимиз. Бунда ҳам молия муассасаси кўмаги қўл келишига ишончимиз комил. Чунки ўтган қисқа даврда "Агробанк" ўз хизматлари билан яқин ҳамкоримизга айланди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

**Хабар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 9 ИЮЛДАН 15 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 10 июндаги 2016-21-сон «Молиявий ва солиқ ҳисоботларни алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишнинг тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2808 (2016 йил 18 июлдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 29 июндаги 60-сон «Тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2809 (2016 йил 18 октябрдан кучга киради).**

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 29 июндаги 59-сон «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган тиббий буюмларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2094-1 (2016 йил 18 октябрдан кучга киради).**

4. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг 2016 йил 15 июндаги 73-сон «Қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2810 (2016 йил 18 июлдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 27 июндаги 81-Н-сон «Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-44) тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2811 (2016 йил 18 июлдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 4 июлдаги 01-215-сон «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2812 (2016 йил 18 июлдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 5 июлдаги 01-02/8-53-сон «Ортиқча тўланган ва ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 947-1 (2016 йил 18 июлдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2016 йил 28 июндаги 01-02/8-38, 2, 116 ва 47-сон «Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1718-1 (2016 йил 18 июлдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини алмаштириладиган магнит (электрон, оптик) манбаларда ёки алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1756, 2008 йил 3 январь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1756-1, 2013 йил 1 апрель).

**Адлия вазирининг 2016 йил 12 июлдаги 174-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Ортиқча тўланган ва ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 947, 2000 йил 14 июль).

**Адлия вазирининг 2016 йил 14 июлдаги 180-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:***

1. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2014 йил 19 мартдаги 102-сон буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 29 апрелдаги 5/03-2-сон қарори.

**Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6